

Доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди



Жорий йил 15 август куни Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгашининг доимий комиссиялар қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича тумандаги сектор раҳбарларининг жорий йилнинг олти ойи давомида олиб борган ишлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.